

## «САДОИ ФАРҒОНА» – ТУРКИСТОН ТАРИХИНИНГ САДОСИ

*Тешабоева Умида,  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
директори ўринбосари*

*Заитова Наргиза,  
Қўлёмалар, нодир ва алоҳида қимматга эга  
нашрлар хизмати раҳбари*

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг Қўлёмалар, нодир ва алоҳида қимматга эга нашрлар фондида сақланаётган XIII–XIX асрлар оралиғида яратилган нодир қўлёмалар, китоб, албом, энциклопедия ва луғатлар нафақат Марказий Осиё, балки бутун дунё мутахассислари учун бекиёс хазина ҳисобланади. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси мазкур бой маданий ва маърифий мерос билан талаба ёшларимизни, тарихчилар, профессор-ўқитувчиларни яқиндан таништириш, уларга тадқиқот объекти сифатида кенг имкониятлар яратиб беришни ўзининг бош мақсадларидан бир деб билади. Шу билан бир қаторда, фойдаланувчиларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш, газета ва журналларни хизмат ўқув залларида бериш, материаллар билан боғлиқ масалалар бўйича ёзма ва оғзаки библиографик маълумотномаларни бажариш, шунингдек, нодир китоблар, қўлёмалар ва тасвирий материаллар фонди бўйича илмий-ахборот нашрлари (каталоглар, кўрсаткичлар ва бошқалар)ни нашрга тайёрлаш асосий вазифаларидан биридир.

Мустақилликнинг илк даврларидан бошлаб Ўзбекистон тарихини ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди ва кун тартибига ҳаққоний тарихни бирламчи манбалар асосида яратиш, уни ҳолисона талқин этиш, баҳс ва мунозаралар асосида тарихий ҳақиқатни тиклаш вазифаси қўйилди. Халқнинг миллий ўзлигини англашида алоҳида аҳамият касб этган маънавий мерос ичида даврий матбуот ҳам алоҳида ўрин тутди.

Мазкур давр матбуотида, хусусан, миллий матбуотда тараққий-парварларнинг турли ижтимоий воқеаларга билдирган муносабат-

лари тарихий ҳақиқат илдизларини, тарихнинг мураккаб, кўп қиррали жараёнларини ҳолисона баҳолашга ёрдам беради. Бу даврда чоп этилган газеталар саҳифаларида XIX аср охири ва XX аср бошида Туркистонда қишлоқ хўжалиги, саноат, савдо, солиқ ва банк тизими, тиббий хизмат, санитария, хотин-қизлар масалалари, жамиятдаги ижтимоий муаммолар, таълим тизими, маданий масалаларга доир маълумотлар жамланган.

Туркистон матбуот майдонида ўзига хос ўрин тутган «Садои Фарғона» газетаси 1914 йил 3 апрелидан 1915 йил 6 июнга қадар Фарғона водийсида ўзбек тилида чоп этилган бўлиб, кутубхона фондида унинг 123 та сони мавжуд. Адади 1500–1700 нусха агрофида бўлиб, газета ношири ва муҳаррири Обиджон Маҳмудов (Обид чаток), газета мусахҳихи (корректори) Ашурали Зоҳирий бўлган. Газетанинг мақсади ҳақида шундай фикрларни ўқишимиз мумкин: «Газетани нашр этишдан мақсадимиз тижорат эмас, балки халқимизга қўлимиздан келган қадар хизмат этмоқдир. Халқимизда матбуот ва жаридан милияга кундан-кун шавқ ва рағбат ўзгарди. Газета моддий жиҳатдан таъминланган».

Газета ишида Усмон Нурий, Чўлпон, Тавалло, Холид Саид, Саид Аҳмад Васлий, Иброҳим Даврон, Мулло Абдуллабек Мусабекқожи ўғли, Шокирали Мухторовлар фаол иштирок этганлар. Газетадаги материаллар «Хўқанд хабарлари», «Доҳлия хабарлари», «Туркистон ва Фарғона хабарлари», «Уруш хабарлари», «Хорижий хабарлар», «Адабий мунозара», «Эълонлар» рукни остида берилган. «Садои Фарғона» газетаси саҳифаларида ижтимоий-иқтисодий, маданий-илмий ва адабий муаммолар доимий равишда ёритиб борилган. Реклама ва эълонлар газетанинг 1,3 ва 4 саҳифаларида босилган. Ҳар қандай газеталар каби миллий газеталар нашрининг давом эттирилиши ва миллатга фойда кўрсата олишининг омилларидан бири унинг ўқувчилари кўплигидир. «Садои Фарғона» газетасини ёшгина йигитлар чойхонада катта қизиқиш билан ўқиётганларини кўрган бир тараққийпарвар хурсандлигидан бу ҳақда газетага ёзиб, бир вақтлар яҳудийлар расталарда туриб ўз газеталарини ўқиганларини кўрганда, уларга ҳавас билан қараб, Қўқонда ўз миллатининг ҳам газеталар ўқиб, дунё янгиликларидан хабардор бўлишини ва фойдали маълумотлар билан танишишини орзу қилганлигини билдиради.

Миллий тараккийпарварлар кишлок хўжалигига янги технологияларни олиб киришга астойдил тарафдор бўлиб, матбуот орқали деҳқонларни бунга кизгин даъват этишган. Хусусан, Абдулхамид Чўлпон мақоласида деҳқонларни янги технологиялардан фойдаланмаётганликлари танқид остига олинадил, мақоласининг охирида барча миллатпарвар ёшларни мазкур муаммоларни ҳал қилиш чораларини топишга даъват этган. Мақолада деҳқончиликнинг самарадорлигини оширишда техникадан унумли фойдаланиш муҳимлигини таъкидлаган.

Дунёдаги ҳар бир халқнинг таракқиёти мактаб билан бевосита боғлиқ эканлигини яхши англаган тараккийпарварлар ўз матбуотида маориф масаласига алоҳида эътибор билан қараганлар. «Садои Фарғона» газетасининг ўзида 100 га яқин мазмундаги мақола ва хабарлар нашр этилган. Хусусан, газетада Ш.Мухторов томонидан ўлка мадрасаларида таълим ижтимоий турмуш ва миллий манфаатлардан жуда узоқлашиб кетганлиги ва уларда умуман дунёвий илмлар ўргатилмаслиги туфайли ишни ибтидоий мактабларни ислоҳ қилишдан бошлаш лозимлиги таъкидланган.

«Садои Фарғона» газетасида «Матбуот» ва «Янги асарлар» рўқни остида Истамбул, Қозон, Астрахан ва бошқа Республикаларда чоп этилган даврий матбуот нашрлари, турли китоб ва дарсликларга тақризлар берилган ҳамда газета муштарийларига таништириб борилган. Шунингдек, миллий театр тамошалари ҳақида мунтазам равишда хабарлар бериб борилган.

Газетада аҳолига тиббий ёрдам кўрсатилиши борасидаги муаммолар ҳам таҳлил қилинади. Жамият ҳаётини ўзгартиришда миллий матбуотнинг алоҳида аҳамиятини англаган тараккийпарварлар турли ижтимоий иллатларни тез-тез танқид остига олиб туради. Жумладан, тўй ва бошқа маъракалардаги исрофгарчилик халқнинг жаҳолатда қолишининг асосий сабабларидан бири сифатида кўрсатилади ҳамда бундай харажатларни болаларни усули жаҳид мактабларида ўқитиш, уларга илм ва ҳунар беришга сарфлашга даъват этиш бир неча бор такрорланган эди.

Шунингдек, бундай тўй ва маъракалар ўтказишдаги исрофгарчиликлар илмсизлик натижаси эканлиги таъкидланади. Тараккийпарварлар бундай ёмон одатларга қарши курашда ҳам ўрнак бўлиб, тўйларни ортиқча сарф-харажатсиз ўтказганликлари ҳамда уларга

сарфланадиган маблағни мактаблар эҳтиёжи учун ишлатишганлиги ҳақида газетада маълумотлар бериб борилади. Жумладан, Мунаввар Алифқор ўғлига хатна тўйи ўтказишда сарф-харажатни камайтириб, унинг ўрнига мактаб қурдирган. Шунингдек, Мирзо Ҳамдам Оғоликов ҳам марҳум оталари томонидан таъмир қилинган масжиддаги мактабни янгича усулда қуришга киришган. 1914 йилда наманганлик бойлардан Исъҳоқжон Мирсолихбой ўғил фарзандига хатна тўйи қилишда тўзжорлар (савдогарлар) билан маслаҳатлашган ҳолда тўйга сарфланадиган пулдан 2000 рублини мактаб ўқувчилари учун мевалик боғ яратишга ва мактаб эҳтиёжларига сарфлашга қарор қилган. Чунончи, тўйларда тўн кийдириш одати йўқотилганлигини газета маълум қилади. Тўйлар ислоҳи ҳақидаги бундай хабарлар «Садои Фарғона» газетаси таҳририятига тез-тез келиб турган.

Миллий тараккийпарварлар фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган миллий матбуот саҳифаларида нафақат маориф соҳасида ислохотлар ўтказиш муаммоси, балки иқтисодий-ижтимоий муаммолар ҳам кўтарилиб, уларнинг ечимини кўрсатишга ҳаракат қилинган. Шубҳасиз, миллий газеталар ичида ўз ўрнига эга бўлган «Садои Фарғона» газетаси XX аср бошларидаги Туркистон тарихини, ижтимоий қарашлар эволюциясини ўрганишда муҳим манбалардан ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам, «Садои Фарғона» газетасига тузилган библиографик кўрсаткич тадқиқотчилар учун қатта аҳамият қасб этади. Газетада эълон қилинган мақола ва хабарлар иқтисодий масалалар: кишлоқ хўжалиги, ўрмончилик ва балиқчилик, алоқа ва транспорт воситаларига доир; маданий-маърифий масалалар: кутубхоначилик ва нашр ишлари, китоб савдоси, маънавий ва тарбиявий мулоҳазалар, оммавий ахборот воситалари, томоша санъати, ўзбек адабиёти ва тилшунослик, умумий тарих; ижтимоий масалалар: ижтимоий иллатлар, ижтимоий таъминот ва ёрдам, тиббиёт масалаларига ажратиб кўрсатилган. Бундан ташқари, кўрсаткич этнография, урф-одат, маросим ва турмуш тарзи, ҳуқуқий масалалар, метеорология ва сейсмологияга оид мавзулар бўйича тизимлаштирилган. Кўрсаткичда мавзулар алифбо тартибда келтирилиб, 500 дан ортиқ мақола ва хабарлар рўйхати бўйича жойлаштирилган. Шунингдек, муаллифлар рўйхати кўрсаткичи ҳам тузилганлиги тарихга кизиққан, бу соҳада илмий иш юритаётган юртдошларимизга дастурил амал бўлади деган умиддамиз.